



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғойбназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Иқтисодий тафаккур – иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили	5
<b>Muxitdin Abduxamidovich Aynakulov</b> Klaster doirasida xizmat ko‘rsatish kooperatsiyasini tashkil etish va rivojlantirish tamoyillari va shakllari	16
<b>Barchinoy Shonazar qizi Mavlanova</b> Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari	21
<b>Бахтияржон Бултурбаевич Муллабаев</b> Худудлар ривожланишидаги номуносибликни камайтиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш	24
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b> Марказий Осиёда иккинчи ренессансга асос солишда Амир Темур ва теурийларнинг хизматлари	31
<b>Nodir Djumanazarovich Khusanov</b> O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini rivojlantirishda strategiya va mexanizmlarni doimiy ravishda takomillashtirish yo‘llari	35
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Lola Nazarovna Khalikova</b> The role of human capital in forming the digital economy	40
<b>Mavluda Azamatovna Shodmonova</b> Raqamlashtirishning logistika samaradorligiga ta’siri	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Ruziboy Normaxmatov, Jasur Kaharov, Akram G‘afurov</b> Olma mevasi – biologik faol moddalarning muhim manbaidir.	45
<b>Отабек Джурабаевич Джурабаев</b> Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышение экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	48
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Присбек Иватов</b> Аҳолига хизмат кўрсатишда деҳқон бозори фаолиятини ривожлантириш ва тартиблаштириш	56
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Мослашувчан бошқарув тамойиллари асосида хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш	60
<b>Baxtiyor Nusratovich Nosirov</b> Mintaqaning uy-joy kommunal xizmatlar sohasida aloqa va axborotlashtirishni rivojlantirishni modellashtirish	64
<b>Акмал Анвар ўғли Рахматов</b> Мижозларга савдо хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари	70
<b>Umid Xolboyevich Xolboyev</b> Xizmatlar sohasi raqobatbardoshligini oshirishning nazariy masalalari	75
<b>To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev</b> Qurilish xizmatlarini iqtisodiy tahlil obyekti sifatida xalqaro standartlar asosida tasniflash	77

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Acharya, A. (2012). Comparative Regionalism: A Field Whose Time has Come? The International Spectator: Italian Journal of International Affairs, 47 (1), 3–15.
2. Baykov, A. A. (2012). Comparative Integration. Practice and Models of Integration in Foreign Europe and Pacific Asia. Moscow: Aspekt Press publ. (In Russian).
3. Fawcett, L. (2016). Regionalism by Emulation: Considerations across Time and Space. In: Telo, M., Fawcett, L. & Ponjaert, F. (Eds.). Interregionalism and the European Union. Post-revisionist Approach to Europe’s Place in a Changing World. Abington: Routledge. P. 33–55.
4. Haas, E. (1975). The Obsolescence of Regional Integration Theory. Berkeley: Institute of International Studies, University of California.
5. Hettne, B. (2005). Beyond the “New Regionalism “New Political Economy, 10 (4), 543–571. DOI:10.1080/13563460500344484
6. Katzenstein, P. J. (1996). Regionalism in Comparative Perspective. Cooperation and Conflict, 31 (92), 123–159.
7. Kuznetsov, D. A. (2016). Trans: Problems of Terminology and Conceptualization. Comparative Politics, 7 (2), 14–25. DOI: 10.18611/2221–3279–2016–7–2(23)–14–25.
8. Lagutina, M. (2020). A Concept of Eurasia: from Classical Eurasianism to Pragmatic Eurasianism. In: Lagutina, M. (Eds.). Regional Integration and Future Cooperation Initiatives in the Eurasian Economic Union. IGI Global. P. 1–15.
9. Lagutina, M. (2019c). BRICS in a World of Regions. Third World Thematic: A TWQ Journal, 4 (6), 442–458.
10. Mikhaylenko, E. & Mikhaylenko, V. (2020). Eurasian: Specifics, Problems and Prospects. In: Lagutina, M. (Eds.). Regional Integration and Future Cooperation Initiatives in the Eurasian Economic Union. IGI Global. P. 16–36.
11. Mitrany, D. (1965). The Prospect of European Integration: Federal or Functional. Journal of Common Market Studies, 4 (2), 119–149. DOI: 10.1111/j.1468–5965.1965.tb01124.x
12. Söderbaum, F. (2005). Exploring the Links between Micro-mintaqashunoslik and Macro-. In: Farrell, M., Hettne, B. & Van Langenhove, L. (Eds.). Global Politics of: Theory and Practice. London: Pluto Press. P. 87–103.
13. Söderbaum, F. (2009). Comparative Regional Integration and Mintaqashunoslik. In: Landman, T. & Robinson, N. (Eds.).
14. Telo, M. (2007). European Union and New regionalism: Regional Actors and Global Governance in a Post-Hegemonic Era. Cornwall: Ashgate Publishing.

<p><b>Б.Муллабаев</b></p> <p><b>Использование зарубежного опыта в снижении неравенства в региональном развитии</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье раскрываются пути рационального использования опыта развитых стран в регулировании дисбаланса регионального развития Республики Узбекистан.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> региональное развитие, неравенство, инновационный процесс, критерии, региональная политика, ресурсы, интеграция.</p>	<p><b>B.Mullabaev</b></p> <p><b>Use of foreign experiences in reducing disparity in regional development</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article reveals the ways of rational use of the experience of developed countries in regulating the regional development imbalance of the Republic of Uzbekistan.</p> <p><b>Keywords:</b> regional development, disparity, innovation process, criteria, regional policy, resources, integration.</p>
--	---

**Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов** – СамИСИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИККИНЧИ РЕНЕССАНСГА АСОС СОЛИШДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ**

<p><b>Аннотация:</b> Мақолада Амир Темурнинг моҳир саркардалиги ва етук давлат арбоби эканлиги туфайли Марказий Осиёда марказлашган давлат тузиши Иккинчи Ренессансга асос солганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Амир Темур ва темурийларнинг илм-фан ва маданият хомийси сифатидаги хизматлари ҳамда уларнинг жамият тараққиётини таъминлашда тутган ўрни масаласига асосий эътибор қаратилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> Соҳибқирон, Тузуқлар, Ренессанс, фан, маданият, фалсафа, математика, адабиёт, расадхона, хандаса, география, машварат, салтанат, қонун, Зафарнома, Оқсарой.</p>
--

**Кириш.** Маълумки Амир Темур илм-фаннинг йирик ҳомийси бўлган, олимлар билан суҳбат ва илмий баҳслар уюштиришни яхши кўрган. Ғолибларга қимматбаҳо тухфалар берган. Илм-фаннинг бир қатор соҳалари (тарих, шеърят, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик) бўйича катта салоҳиятга эга бўлган шахс, улкан салтанатнинг олий ҳукмдори бўлса, табиий равишда илм ва маданиятга, олим ва ижодкорга катта ҳурмат билан қарайди, бу йўлда барча имкониятларни ишга солади. Бундан ташқари ҳар қандай жамият ва давлат тараққиёти ва келажagini фан ва маданият равнақисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Истеъдод эгалари махсус ва доимий эътиборга муҳтож ва лойиқ бўлишлари, ноёб қобилият эгаларини муҳофаза қилиш, ижодлари учун шароит яратиш, турмушларини таъминлаш зарурлигини ҳам у тўғри англаган. Тарихчи олим Азамат Зиё ёзганидек, «У олиму фозиллар ўз маслаклари ва дунёқарашлари юзасидан жамият ва давлат тараққиёти, замонавий аҳволи хусусида бошқа ижтимоий табақаларга нисбатан кўпроқ бош қотиришлари ва бу орқали тегишли тажриба ва билимларга эга бўлиб боришларини ёдда тутган» [1:197-198]. Амир Темурнинг фан ва маданият соҳасида юритган сиёсатини худди мана шу омиллар орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги баёни ўринли: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўлатўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди» [2:69].

**Тадиққот методологияси.** Темурийларнинг илм-фан ва маданиятга оид қарашларини ёритишда объективлик, ретроспектив таҳлил, мантикийлик ва тарихийликнинг бирлиги, қиёсий таҳлил ва шу каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Темурийлар даврида илм-фан, маданият ривожланиб ўзига хос ренессанс вужудга келди. Ўз ўрнида, илм ва маданият ривожини давлат қудратига қудрат, обрўсига обрў қўшган. Чингизийлар ҳукмронлиги даврида тараққиётда анча оқсаб қолган Туркистон XIV асрнинг ўрталарига келиб сиёсий бошбошдоқлик таъсирида янада мункиллаб қолган эди. Тахтга чиқиши билан Амир Темур чиқарган дастлабки фармонларда ана шу аҳволни тўғрилаш нияти борлиги яққол сезилиб туради. Чунончи, унинг буйруғига кўра олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар ва уларнинг ўқувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаб, стипендиялари оширилиши кўзда тутилган. Бу борада Муъиниддин Натанзий шундай ёзади: «Фақирлар ва илм толиблари нафақалари вақф мулклари ва мадрасаларга, ҳар бирининг ҳолига яраша ва воқиф шартига мувофиқ белгиланган» [3:279-280].

Илми ва маданиятга бундай муносабатни Соҳибқирон умрининг охиригача сақлаб қолди. Бу йўлдан унинг авлодлари ҳам юрдилар. Натижада темурийлар замонида кўплаб мадрасалар, кутубхоналар, мактаблар барпо этилди. Уларда ўқиш ва ўқитиш учун дунёнинг турли бурчакларидан етук олимлар жалб қилинди. Чингизийлар даврида таъқибу сиқувлар, сиёсий остин-устунликлар натижасида илм ва маданият нуқтаи назаридан хувиллаб қолган Туркистон Амир Темур замонида келиб яна жонланиш имконини қўлга киритади. Бунда у, энг аввало, маҳаллий илм-фан ва маданият вакилларида суянгани аниқ, яъни илму маданият ривожини учун шарт-шароит яратган, сиёсий барқарорликка эришган. Натижада турли мамлакатлардаги туркистонликлар ўз юртларига қайта бошлаганлар. Улар орасида қачонлардир ота-боболари Шимолий Ҳиндистон, араб ўлкалари ва бошқа юртларга бориб ўрнашган авлодлар ҳам бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Улар, асосан, Соҳибқирон лашкарлари билан қайтган бўлишлари керак. Иккинчи томондан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларининг маданият ва илм марказига айланиши, бу ерларда бошқа жойлардан кўра ижод учун шароитнинг яхшилиги ўз-ўзидан хорижий олимлар, шоирлар, санъаткорларнинг бу ёқларга интилишига сабаб бўлган.

Илм-фан ва маданиятнинг юксак тараққиёти керакли мутахассислар тайёрлайдиган олий мактаблар яратиш зарурлигини туғдирди. Олий таълимнинг маркази мадрасалар бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда, асосан давлатнинг ҳамда бадавлат кишиларнинг маблағига қурилган мадрасалар кўп эди.

Мусулмон оламида мадрасалар илк ўрта асрлардаёқ (Бухоро) бунёд этилган. Мадрасалар диний таълим берувчи ўқув юртлари бўлган. У ерда илоҳиёт билан бир қаторда ҳуқуқ (фикх), мантиқ, математика (риёзиёт), хандаса (геометрия), астрономия, тиббиёт,

тарих, жуғрофия, адабиёт, илми аруз, араб тили ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Мадраса мударрислари ўз соҳасининг билимдони бўлишган. Уларга алоҳида ҳақ тўлашган. Бу хусусда «Темур тузуклари»да шундай дейилган: «Аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозиллар, ҳақимлар, табиблар, қиссахонлар, хабарчилар ва ровийларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар...» [4:100].

XVI асрнинг бошида биргина Ҳирот шаҳрининг худудида ўттиз олти мадраса мавжуд бўлган. Уларнинг кўпларига дунёнинг турли бурчакларидан мусулмонлар таҳсил олиш учун келишган.

Самарқандда қуйидаги мадрасалар бўлган: Бибихоним мадрасаси; 1421 йилда XV асрнинг икки йирик олими – Қозизода Румий ва Жамшид Кошийларнинг бевосита иштирокида қурилган Улуғбек мадрасаси. Унда бош мударрис Қозизода Румий бўлган; Гўри Амир мажмуидаги мадраса. Унинг 64 та хужраси бўлган; Қутбиддин Садр мадрасаси; Муҳаммад Султон мадрасаси ва бошқалар.

Улуғбек Бухорода 1417 йилда ва Ғиждувонда 1433 йилда қурдирган мадрасалар бўлган. Мадраса талабалари билимнинг турли соҳаларига оид китобларни пухта ўрганганлар. Амир Темур ва унинг авлодлари саройида қадимий ҳамда ўрта асрларнинг ноёб асарлари жамланган бой кутубхоналар бўлган. Самарқандда Амир Темур ва Улуғбек кутубхоналари, Ҳиротда Шоҳрух, Бойсунғур ва Султон Ҳусайннинг энг яқин дўсти Алишер Навоийнинг кутубхоналари бўлган. Қайта тикланган Шоҳрух кутубхонасига Султон Бадиуззамон вақф тарзида қимматбаҳо китоблар ҳадя этган. Балхда эса Бадиуззамон ўз кутубхонасини очган.

Кутубхоналарда билимнинг турли соҳаларига оид қимматбаҳо қўлёзма асарлар сақланган. Хукмдорлар уларни муттасил янги китоблар билан тўлдириб туришган.

Кутубхона ишлари билан махсус кишилар шуғулланганлар. Улар китобларнинг сақланиш тартибини кузатганлар, уларнинг тайёрланишини йўлга солиб берганлар, ажратилган маблағларни тасарруф этганлар, кутубхонани доимий суратда тўлдириб туриш учун янги китобларни излаш билан шуғулланганлар.

Фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши темурий намояндаларининг барчалари кенг билим эгалари бўлганликлари орқасидан ҳамдир. Улар ўз она тилларидан ташқари форс, араб тилларини мукамал билар, тарих, астрономия, математика, тиббиёт, шеърят, хуснихат, меъморилик, диний илмлар борасида катта салоҳият соҳиби эдилар. Улар китобга, катта ҳурмат билан қараганлар. Шунинг учун ҳам Амир Темур, Шоҳрух, Бойсунғур, Улуғбек, Пир Муҳаммад, Халил Султон, Султон Ҳусайн, Бадиуззамон, Фариддин Ҳусайн Мирзо каби подшоҳу шахзодаларнинг бой кутубхоналари бўлган, улардан кўпчилик баҳраманд бўлган. Шунинг учун ҳам темурийлар даври ўзбек ва форс адабиёти ривожига муҳим босқич ҳисобланади. Навоий ва Жомийларнинг худди ўша замонларда яшаб ижод қилганликлари бунга мисолдир. Ўзбек ва, умуман, туркий тилли адабиёт равнақида улкан аҳамият касб этган Саккокий, Лутфий, Атоий каби туркийзабон шоирлар, Бурундук Хўжандий, Исмаил Бухорий, Ҳумоюн Исфароиний каби форсийзабон шоирлар ҳамда Эрон, Озарбайжон, Хуросон, Кичик Осиёда ижод қилган ўнлаб шоирлар худди шу даврда яшаганлар ва у ёки бу маънода темурийлар ҳимматидан баҳраманд бўлганлар. Абдулхай, Пираҳмад Боғишамолий, Муҳаммад Ҳалимий, Султон Али Бовардий, Шаҳобиддин Абдулло, Заҳириддин Асғар, Камолиддин Бехзод каби наққошлар (миниатюра рассомлари) ҳам, Аҳмад Румий, Шомий Бойсунғурий, Ҳожи Абдулқодир, Муҳаммад Бадриддин, Муҳаммад Котиб, Султон Али Машҳадий, Абдулхалил котиб каби ўнлаб хаттотлар ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида камолот чўққисига чиққанлар. Хуснихат борасида темурийлар ҳам ном чиқарганлар. Чунончи, Шоҳрухнинг ўғиллари Иброҳим Султон ва Бойсунғур қўли билан кўчирилган Қуръон нусхалари фикримиз далилидир.

Аниқ фанлар ривожига ҳам темурийлар замони алоҳида ўрин эгаллайди. Биргина Улуғбек Академиясини олайлик. Бу вақтларда Самарқандда ўнлаб мўътабар олимлар, астрономлар, математиклар фаолият кўрсатганлар. Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Муъиниддин Коший, Жалолиддин Астрободий, Низомиддин Биржандий, Мирим Чалабий, Мансур Коший, Абдулқодир Лоҳижий, Муҳаммад Ҳусайний ва бошқалар мазкур мактаб намояндалари, издошлари эдилар. Бироқ Улуғбек уларнинг энг илғори ва етакчиси бўлди. У Самарқандда ўз даври ва муайян маънода кейинги асрлар

учун ҳам катта аҳамият касб этган фундаментал фанлар ривожини учун кенг йўл очиб берди. Айниқса бу ерда расадхонанинг барпо этилиши оламшумул воқеага айланди. Амир Темур ва темурийларнинг тиббиётга рағбати натижаси ўлароқ, мазкур соҳа ривожини учун ҳам қулай шароитлар туғилганди. Амир Темур ва темурийларнинг тарих фанига ҳам катта эътибор билан қараганликлари маълум. Тарихнавислик бобида Шарқда донг таратган Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Аbru, Муъиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар паноҳида яшаб ижод қилганлар, улар ҳақида асарлар ёзиб машҳур бўлганлар. Шулардан айнан Амир Темур саройида хизматда бўлганлардан бири, асл исми Али ибн Муҳаммад, аммо кўпинча Низомиддин Шомий ёки Низомиддин Шанбий номи билан машҳур [1:203]. Туғилган йили аниқ эмас. Вафоти 1404–1409 йиллар орасида юз берган. 1383 йилдан буён Амир Темурнинг хизматида бўлган. Бошқа асарлари ҳам бўлса-да, уни машҳур қилган «Зафарнома»дир. Бу асар 1404 йили тамомланган бўлиб, уни ёзиш ташаббуси шахсан Соҳибқирондан чиққан. 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтгандан сўнг Шомий асарни унга тақдим қилган. «Зафарнома» Амир Темурнинг тахтга чиққанидан (1370) то кўрсатилган 1404 йилга қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Кавказорти, араб мамлакатлари, Кичик Осиёда рўй берган ва, албатта, Амир Темур, темурийлар фаолияти билан боғлиқ муҳим воқеалар баёнидан иборат. Шомий асарни ёзишда Амир Темур хизматида бўлган битикчилар томонидан тайёрланган ҳар бир юриш, сиёсий, ижтимоий, маданий воқеалар ҳақидаги ҳисоботлар – ҳужжатларга таянган. «Зафарнома» Амир Темур тарихини тўла ёритган илк тарихий асар ҳисобланади. «Зафарнома» муқаддимасида ёзилишича, 804 (1401/1402) йили Соҳибқирон Шомийни даргоҳига чорлаб, ўз ҳаёти ва фаолияти тарихини ёзишни буюради ва шундай талаб кўяди: «Баён услуби мураккаблик аломатларидан ҳамда мақтанчоқлик дабдабаларидан холи бўлсин, (турли) маънодорлик тарзидан (ҳам) тийилсин» [5:11]. Кўриниб турганидек, Амир Темур тарихий асар яратишдан мақсадни, баён услубларини аниқ тасаввур қилган ва вазифани ҳам лўнда кўйган, яъни тарих омма, келажак учун ёзилади.

Араб олими Муҳаммад ас-Саид Жамолиддин ўзининг соҳибқирон бобомиз ҳақидаги тадқиқотларида шундай деб ёзади: «Исломи олимлар асарларида Амир Темурнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил образи мавжуд. Биринчиси – гўё Амир Темур атрофдагиларга кўрқув ва даҳшат соладиган бераҳм, қаттиққўл ҳукмдор ва саркарда. Иккинчиси – ақл-фаросатли, адолатли ҳукмдор, у ёмонлик ва ахлоқсизликни кўришга кўзи йўқ, чексиз ҳарбий талант соҳиби» [6:109].

Биринчи образ кўпроқ араб ва форсий манбаларда кенг тарқалган. Бу нарса кўпроқ биринчи навбатда, Амир Темурнинг Мовароуннаҳр давлатини бирлаштириш учун олиб борган кўп сонли юришлари, сўнг эса Ғарбий, Шимолий-Ғарбий, Шарқий Ҳиндистонни забт этиш учун олиб борган юришлари оқибатидир. Бу юришлар Амир Темур фаолиятининг катта қисмини ташкил этган ва унга Соҳибқирон ўзи ҳам алоҳида аҳамият берган. Катта, буюк бир давлатни бошқариш ҳам ўз навбатида ундан катта куч ва доимий сурагга урушга тайёр туришни талаб қилган.

Амир Темурнинг бундай образи ёйилишига яна бир сабаб уни мўғул Чингизхон босқинчиларига алоқадор ҳисоблашлари ва Чингизхон билан қариндош деб ўйлашларидир. Шунингдек, мўғул босқинчиларининг кўплаб мамлакатларга олиб келган вайронагарчилиги, талон-тарождлари, зўрлик ва ўғирлиги, оммавий қирғинлари ҳамда Чингизхоннинг ҳижрий 616 йили бошқа юртларга қилган юришлари давомидек, улар занжир ҳалқасидек, воқеаларнинг узвий давоми шаклида халқ онгида қаттиқ ўрнашиб қолгани ҳам бунга сабаб бўлган. Гап шундаки, мўғуллар томонидан амалга оширилган барча вайронагарчилик ва урушлар айби асоссиз равишда Амир Темурга ҳам нисбат берилган. Ҳолбуки, Амир Темур ҳеч қачон Чингизхон каби қонхўр ва золим бўлган эмас.

Амир Темур ҳақидаги бундай янглиш тасаввур, қисман ҳозир ҳам учраб туради. Лекин у мамлакатни бошқарган пайтда бунёд этилган ва бизгача етиб келган меъморилик обидалари, санъат асарларини кўрсак, биз Амир Темурдаги нозиктаъб, юксак маданиятни сезамиз ва бу образнинг ижобий фазилатлари айрим манбаларда хас-пўшлаб ўтилганини кўрамиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Темурийлар бошқарган даврда нафис санъат, мусиқа шу

пайтгача ҳеч қачон бўлмаган ва кўрилмаган даражада ривож топди ва кенг тарқалди. Унинг ўғли Шоҳрух санъатни нозик тушунгани боис ўз атрофига йирик олимлар, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, ҳуснихат усталари, ҳунармандларни тўплай олдики, бундан мақсад бутун Темурийлар давлати бўйлаб бундай юксак санъат ва маданиятни тарқатиш эди.

Баён этилган мулоҳазалар юзасидан хулоса ва таклифларимиз куйидагилардан иборат: Агар бордию давлатларнинг тарихий аҳамиятини жаҳон цивилизацияси тараққиёти ва ривожига кўшган ҳиссаси билан ўлчайдиган бўлсак, Амир Темур тузган давлатда жаҳон цивилизациясининг асосини ташкил этган маданият, адабиёт, санъат ва ажойиб меъморчилик обидаларидан иборат буюк бир меросни кўрамиз.

Аввало, Темурийлар илм-фан ва маданият ривожига алоҳида эътибор қаратадилар. Иккинчидан, замонавий маданият тизимида тижорат одоби муҳим аҳамият касб этар экан, темурийлар даври мутафаккир алломалари баён этган ахлоқ-одоб қоидалари мазкур соҳада муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилишини ёшларга уқтириш лозим. Учинчидан, илм-фан ва маданиятимизни юксалтиришда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда темурийлар даври мутафаккир алломалари илгари сурган илмий қарашларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: «Шарк», 2000.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. II жилд. –Т.: «Меҳнат», 1992.
3. Натанзий М. Мунтахаб ат-таворих. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
4. Темур тузуклари. –Т.: «O‘zbekiston», 2013.
5. Шомий Н. Зафарнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Муҳаммад ас-Саид Жамолiddин. Амир Темур образи араб ва форсий манбаларда. Халқаро конференция тезислари. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

<p><b>Ш.Урозов</b></p> <p><b>Роль Тимура и тимуридов в развитии науки в Центральной Азии</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье научно обосновано, что возникновение Второго Ренессанса является результатом создания Тимуром, умелым полководцем и выдающимся государственным деятелем, централизованного государства в Центральной Азии. Основное внимание уделяется заслугам Тимура и тимуридов в развитии науки и культуры, а также их роли в обеспечении развития общества.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> Сахибкиран, Уложение, Ренессанс, наука, культура, философия, математика, литература, обсерватория, геометрия, география, собрание, султанат, закон, Зафарнаме, Аксарай.</p>	<p><b>Sh.Uroзов</b></p> <p><b>The role of Timur and the Timurids in the development of science in Central Asia</b></p> <p><b>Abstract:</b> The article scientifically substantiates that the emergence of the Second Renaissance is the result of the creation by Timur, a skilled commander and outstanding statesman, of a centralized state in Central Asia. The main attention is paid to the merits of Timur and the Timurids in the development of science and culture, as well as their role in ensuring the development of society.</p> <p><b>Keywords:</b> Sahibkiran, Code, Renaissance, science, culture, philosophy, mathematics, literature, observatory, geometry, geography, collection, sultanate, law, Zafarname, Aksaray.</p>
---	---

**Nodir Djumanazarovich Khusanov** – PhD, mustaqil izlanuvchi

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA STRATEGIYA VA MEXANIZMLARNI DOIMIY RAVISHDA TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI**

<p><b>Anotatsiya:</b> ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasida bugungi kunda investorlarni jalb qilish yo‘lida olib borilayotgan ishlar, vazifa va qo‘yilayotgan maqsadlar muhokama qilingan. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini rivojlantirishda strategiya va mexanizmlarni doimiy ravishda takomillashtirish yo‘llari haqida bayon qilingan va bu boradagi tegishli tavsiyalar ishlab chiqilgan.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> investor, investitsiya, moliya, strategiya, shartnoma, xorijiy tajriba, tadbirkorlik subyektlari</p>
---

**Kirish.** Moliya bozori vositalari orqali iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish iqtisodiy

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.